

БОСКИНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ОБЪЕКТИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10278409>

Нарзиев Шахзодбек Зойирович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти

кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддасида белгиланган босқинчилик жиноятынинг обьекти билан боғлиқ айрим масалалар муҳокама қилиниб, ушбу жиноятни квалификация қилишда зарар етказилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлар доирасини кенгайтириш борасида айрим таклиф ва тавсиялар тўғрисида сўз боради.

Калит сўзлар: Босқинчилик, мол-мулк, талон-торож, мулкка эгалик қилиш, зўрлик ишлатиш, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, қария, аёл, ожиз ахволдаги шахс.

НЕКОТОРЫЕ СООБРАЖЕНИЯ ПО ОБЪЕКТА РАЗБОЙНОГО НАПАДЕНИЯ

Нарзиев Шахзодбек Зойирович

Преподаватель кафедры

Деятельность профилактики правонарушений

Академии МВД Республики Узбекистан

Аннотация: В данной статье обсуждаются некоторые вопросы, связанные с объектом разбойного нападения, определенного в 164-статье Уголовного кодекса Республики Узбекистан, а также высказываются предложения и рекомендации по расширению сферы общественных отношений, которым может быть нанесен вред при квалификации этого преступления.

Ключевые слова: Разбойное нападение, имущество, грабеж, владение имуществом, насилие, угроза насилием, пожилой человек, женщина, уязвимый человек.

SOME CONSIDERATIONS ON THE OBJECT OF ROBBERY

Narziev Shahzodbek Zoyirovich

Lecturer at the Department of Crime Prevention

Activities of the Academy of the Ministry of Internal

Affairs of the Republic of Uzbekistan

Abstract: This article discusses some issues related to the object of robbery, defined in Article 164 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, and also makes proposals and recommendations for expanding the scope of public relations that may be harmed by the classification of this crime.

Key words: Robbery, property, robbery, possession of property, violence, threat of violence, elderly person, woman, vulnerable person.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Инсон ҳуқуқлари үмумжаҳон Декларацияси»нинг 17-моддасида, ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргалиқда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга, хеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгиланган[1].

«Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарур. Бу эса пировард натижада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг шаъни, қадр-қиммати, мол-мулкининг дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби энг асосий ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради»[2].

Ҳақиқатдан бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари таъминланиши билан бир қаторда унинг мулкий дахлсизлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун қабул қилинаётган барча қонунларимиз энг аввало инсон, унинг манфаатлари, соғлиги, ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, мулкий дахлсизлигига қилинаётган барча тажовузлардан химоя қилишга хизмат қилмоқда. Биз юқорида фуқароларнинг мулкий дахлсизлиги тўғрисида сўз юритдик, хўш мулкий дахлсизлик ўзи нима деган саволга жавоб берадиган бўлсақ, фуқароларнинг мулкий дахлсизлиги, бу энг аввало уларга тегишли бўлган барча турдаги (кўчар, кўчмас) мулклари ва мулкий ҳуқуқларини тўлақонли кафолатланиши тушунилади. Мулк ЖКнинг муҳофаза обьекти сифатида моддий дунёning, шунингдек, муаллифлик ҳуқуқи обьектлари сифатида мулкий ашёларига эга бўлиш юзасидан ва шунга боғлиқ равишда ижтимоий муносабатларнинг маълум бир гуруҳи сифатида намоён бўлади. Мулкчиликнинг шакли аҳамиятга эга эмас, чунки конституциявий қоидаларга мувофиқ, мулк қандай ҳуқуқий шаклда эканлигидан қатъи назар, бир хилда химоя қилинади[3].

Жиноят қонуни билан қўриқланадиган барча ижтимоий хавфли қилмишлар маълум бир ижтимоий муносабатларга тажовуз қилади, ҳар қандай жиноят албатта бирон-бир ижтимоий муносабатга заарар етказмай қўймайди. Шунинг учун, жиноятнинг обьектини аниқлашда дастлаб ижтимоий муносабатларни жиноят обьекти сифатида тан олиниши лозимлигини кўрсатади. Шу сабабли фақат жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар жиноятнинг обьекти бўла олади. Демак, жамиятдаги барча ижтимоий муносабатлар ҳам жиноят обьекти бўла

олмайди, балки уларнинг ичидан қонун чиқарувчи, ижтимоий шароитдан келиб чиқиб, жиноий-ҳуқуқий тақиқлаш услуги билан қўриқланиши лозим деб топилгандари жиноят обьекти бўлади, холос. Табиийки, бундай ҳолатда сўз фақат ижтимоий хавфли қилмиш жиддий зиён етказиши мумкин бўлган, давлат ва жамият манфаатлари учун ўта муҳим ва аҳамиятга эга ижтимоий муносабатлар ҳақида боради[4].

Шу нуқтаи назардан таъкидлаш лозимки, жиноят обьектини тўғри англаш, уни ўз ўрнига қўйиш, қилмишни тўғри малакалаш ва шу аснода ушбу қилмишни содир этган шахсларга нисбатан адолатли жазо чораларини белгилаш имконини яратади. Мамлакатимиз жиноят қонунида шундай бўшлиқ борки, у қонуннинг одиллик меъзонини амалда ишлашига тўсқинлик қиласи. Гап шундаки, ЖКнинг III бўлими Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни ташкил этиб, унинг X бобида “Ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш” билан боғлиқ жиноятлар белгиланган бўлиб ушбу жиноятлар ЖКнинг 164-169-моддаларда ўз аксини топган.

Ушбу мулкий турдаги жиноятларнинг ичida ўзининг содир этилиши усули, ижтимоий хавфли ҳусусияти ва оғирлик даражаси билан ажралиб турувчи жиноят бу албатта босқинчилик жиноятидир. Босқинчилик жиноятининг содир этилишида, айборнинг харакатлари субъектив томондан бу албатта шахснинг мулкини эгаллашга қаратилади, айборнинг босқинчилик жиноятининг содир этилишидан мақсади, ўзга шахзснинг мулкини қўлга киритиш ҳисобланади. Босқинчиликнинг обьектини икки турга ажратишимиз мумкин бўлиб, булар яъни бевосита обьект ва бевосита қўшимча обьектларга бўлинади.

Босқинчиликнинг бевосита обьекти ўзганинг мол мулкини муҳофаза қилишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланиб, бевосита қўшимча обьекти сифатида эса фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатларда намоён бўлади. Демак босқинчиликнинг икки обьекти бири ўзганинг мол-мулки бўлса иккинчи обьекти эса ўзга шахснинг соғлиги ва ҳаётини тушунишимиз керак бўлади.

Объектив томондан босқинчилик ўзганинг мол-мулкини талон-тарож қилиш мақсадида шу мулкнинг эгалланишига қаршилик кўрсатган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган жисмоний зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ҳужум қилишда ифодаланади. Босқинчиликнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, унинг содир этилишида жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказилишида ёки шундай зиён етказишининг реал вужудга келишида номоён бўлади. Айбор томонидан жабрланувчига нисбатан ишлатилган зўрлик ҳам жисмоний ҳам рўхий бўлиши мумкин, бунинг натижасида жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказилади. Биз бугун ушбу мақоламиизда босқинчилик жиноятларини содир этилишида айбор шахсларнинг қилмишларига нисбатан қонун чиқарувчи томонидан ҳуқуқий баҳо берилишида ЖКнинг 164-моддасида бизнинг назаримизда айрим ҳуқуқий бўшлиқлар борлигини таҳлил қилмоқчимиз. Хозирги кунда суд-тергов

амалиётини кузатиш натижасида таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, босқинчилик жиноятларининг содир этилишида натижасида қария (ёши кекса) ва ожиз аҳволдаги шахслар (аёл, болалар) ҳам борлигини ва буларнинг салмоғи йилдан йилга ошиб бораётганини кўрсатмоқда.

Хусусан, 2013 ва 2014 йилларда Тошкент шаҳри ва Республикализнинг бошқа бир қатор вилоятларида ёлғиз яшовчи қария ва кексаларнинг яшаш хонадонларига, Тошкент вилоятида яшовчи аёл ва эркак жинсдаги шахслар томонидан босқинчилик жиноятини содир этиши натижасида мулкий наф кўриши мақсадида ўзаро жиноий тил бириктириб ўнлаб босқинчилик жиноятларини содир этилганлигини хаммамиз яхши биламиз ва англаймиз. Ушбу босқинчилик жинояти эса республикамиз бўйлаб катта шов-шувли воқеага айланганлигини, айбдор шасхлар томонидан айнан нафақаҳўр, ўз моддий даромадига эга, ёлғиз яшовчи қария ва кекса шахсларга нисбатан босқинчилик жиноятларини содир этганлиги, аёл ва эркак шахслар объектив томондан босқинчиликни содир этиш усули сифатида ўзларини ҳудуд электр тармоғидан ва туман ҳудуд газдан келганлиги важи билан кекса ёшдаги шахсларнинг уйларига ғайриқонуний алдов йўли билан кириб, босқинчиликни содир этилишини осонлаштириш мақсадида қария ва кексаларни ўлдириш билан қўрқитиб, уларнинг оёқ қўлларини боғлаб, оғизларига скотч ёпиштириш йўли билан уларнинг харакатларини чеклаб, уйларидаги барча пулларини, тилло-тақинчоқларни ва бошқа қиммат баҳо моддий буюмларини босқинчилик йўли билан эгаллаб воқеа жойидан чиқиб кетганликларини гувоҳимиз. Бундан ташқари суд-тергов амалиётидан ана шундай жиноятлардан яна биттасини мисол қилиб айтадиган бўлсак, Самарқанд вилоятида яшовчи З. ва А. исмли фуқаролар босқинчилик жиноятини содир этиш мақсадида ўзаро жиноий тил бириктириб, маст ҳолатда Самарқанд вилоятида яшовчи А. исмли фуқарога ва унинг Г. исмли турмуш ўртоғига нисбатан босқинчилик жиноятини содир этганлигини, бунда босқинчиликни содир этишда А. исмли фуқаронинг автоуловини тўхтатиб унинг бўйин соҳасини сим билан буғиб унга истироб чектириб, қийноқقا солиб, унга азоб бериб, ўта шафқатсизлик билан содир этганлигини, З. ва А. исмли фуқаролар А. исмли фуқаронинг қўлларини ўраб ушлаб туриб, унга «ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳатлари» етказиб, уни қасдан ўлдиришганлар ва унинг ёнида бўлган қиммат баҳо нарса буюмларини талон-торож қилганлигини, шундан сўнг, фуқаролар З. ва А. биргаликда А. исмли фуқаронинг яшаш уйига ҳам бориб унинг уйига ғайриқонуний равишда киришиб, ўзларининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, яшаш уйнинг хоналарига киришиб, пул ва қимматбаҳо мол-мулкларни излай бошлашган пайтда хонадон ичкарисида ухлаб ётган А. исмли фуқаронинг Г. исмли турмуш ўртоғи ва унинг 2007 йил туғилган Н. исмли қизи уйғониб кетганлиги, Г. исмли фуқаронинг қаршилик кўрсатишига қарамай, уни қўлларини ушлаб, оғзини, қўл ва оёқларини скоч билан боғлаб, ундан пуллари сақланаётган жойни кўрсатишни талаб қилишган вақтида Г. исмли фуқаро уйида пул йўқлигини айтганлиги, шу вақтида З. ва А исмли фуқаролар, унга азоб бериб уни шавқатсизларча

қасддан ўлдиришганлар ва қўлга киритган нарса буюмларни ўзлари билан олиб воқеа жойидан чиқиб кетганлар[5].

Жабрланувчиларга нисбатан бундай содир этилаётган қилмишларга ҳуқуқий баҳо берилишида ЖКнинг 164-моддаси нормасининг қисмида ҳуқуқий бўшлиқ борлигини, бу эса ушбу нормани янада такомиллаштирилиши зарурати борлигини билдиради. Бунинг учун биз энг аввало “ожиз аҳволдаги шахс” ва “кекса, қария” деган саволларнинг мазмунига жавоб изласак. Бунинг учун биз ўзбек тилининг изоҳли луғатига мурожаат қилдик. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “ожиз, ожиза” кишилар деб “нимжон, бўшашган, кучсиз, заиф, нўноқ, ноқобил, жисмоний жихатдан кучсиз, бекувват, кўрмайдиган, кўр, аёл киши, қиз” деган маъноларини англаташини билдик[6]. Демак, биз ожиз аҳволдаги шахслар деганда айнан кучсиз, нимжон, заиф, заифа, кучсиз аёл, қиз, бирон бир нуқсони бор, кучсиз ёш бола, вояга етмаган ожиз шахсларни кўз олдимиизга келтирамиз. Ҳудди шунингдек, ушбу луғатда “кекса, қария” сўзларига “қари, қариган киши, кекса, мўйсафид, чол, нуроний” деган таърифлар берилган. Бугунги кунда жиноятчи шахслар томонидан босқинчилик ҳаракатларини ана шундай жабрланувчи шахсларга нисбатан содир этилаётганлигини кўриб гувохи бўляпмиз. Бундан кўриниб турибдики, айбдор шасхлар томонидан айнан “қария ва ожиз аҳволдаги шахслар”га, яъни “аёл, хотин-қизлар, кекса, ёш болалар”га нисбатан уларнинг хаёт ва соғлиғи учун хавфли бўлган усуlda босқинчилик жиноятлари содир этилганда, амалдаги жиноят қонунчилигимизда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қилмишга умуман ҳуқуқий баҳо берилмаётганлиги, бу эса ЖКнинг 164-моддаси нормасининг қисмида ҳуқуқий бўшлиқ борлигини кўрсатмоқда. Шу боисдан бизнинг назаримизда Ўз Рес ЖКнинг 164-моддаси нормаси иккинчи қисмiga “қарияга ва “ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан” деган жумлани киритилиши ва ушбу орқали айбдор шахслар томонидан ана шундай жабрланувчи шахсларга нисбатан содир этилган қилмишларга оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳуқуқий баҳо берилиши таклиф этилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугун жамиятда содир этилаётган босқинчиликнинг ижтимоий хавфли ҳусусияти ва оғирлик даражаси билан фуқароларнинг хаёти ва соғлиғига зиён етказаётганлиги, айниқса, ушбу қилмишлар қариялар ва аёлларга, вояга етмаганларга нисбатан ҳам содир этилаётганлиги ташвишли ҳолат эканлигини, кекса, нуроний ва аёллар ожиз ва ожизалар эканлигини барчамиз яхши тушунамиз ва англаймиз. Шу сабабли уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, соғлиғи, хаёти, шаъни, қадр-қиммати, мулкий дахлсизлигини, тинч осойишта ҳаётини, уларнинг хавфсизлиги, саломатлигини таъминлашни амалда қонунчилик билан мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб масаласи сифатида ўз ифодасини топмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжакон декларацияси [Электронманба] /
/URL:<http://constitution.uz/uz/pages/humanrights> (мурожаат қилинган вақт: 25.11.2023).
2. Ш.М.Мирзиёев. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. [Электрон манба] <https://president.uz/uz/lists/view/3119> (мурожаат қилинган вақт: 25.11.2023)
3. Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: яратилиш тарихи ва ривожланиши. УРЛ: <https://e-library.namdu.uz/>. (мурожаат қилинган вақт: 25.11.2023) Б. 15.
4. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик (Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри) / Р.Кабулов, А.А.Отажонов ва бошқ. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. Б - 106.
5. Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими. № 4-2-86-2019.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида (2006-2008) УРЛ:https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20O.pdf.
7. Таштемиров А. А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фош этишда тезкор ходимларнинг терговчи ва суриштирувчилар билан ҳамкорлигининг айrim жиҳатлари //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 156-164.
8. Таштемиров А. А. Техник криминалистик экспертиза - ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг асосий омили сифатида //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 12-19.
9. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.
10. Тоштемиров А. А. Некоторые аспекты изучение модели управлеченческой деятельности в органах внутренних дел. – 2022.
11. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиб самарадорлигига эришишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 35-40.
12. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати

//barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

13. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

14. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.

15. Таштемиров А. А. Йулларда харакатланишни тартибга солишнинг хукукий жихатлари ва бу борада технологиянинг ахамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.

16. Таштемиров А. Кибержиноятчилик ва унинг ўзига хос шаклланиш даврлари //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. Maxsus son. – С. 133-139.